

БИБИСОРА ОТАЕВА



СЎРАСАМ МАЙЛИМИ, ОЙИ?

Шеърлар

Тошкент
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қомитети
«Еш гвардия» нашриёти
1982

Отаева, Бибисора.

Сўрасам майлими, ои: Шеърлар. [Кичик мактаб ёшидаги болалар учун].—Т.: Ёш гвардия, 1982.— 16 б., расм.

Атаева, Бибисора. Можно спрoшу, мама: Стихи.

Ўз2

Хоразмлик шоиранинг ушбу китобчасида болаларга бағишланган шеърлари жамланган. Бу шеърлар болалик, мактаб ва дўстлик ҳақидадир.

Тақризчи М. А ъ з а м.

А $\frac{70802 - 93}{356 (04) - 82}$ 137—82 4803000000

© «Ёш гвардия» нашриёти 1982



МАҚТАБ

Ташнадирман
Илмга,
Юраман
Сени мақтаб.
Нур тўшадинг
Йўлимга
Қадрдон,
Азиз мактаб.
Меҳринг билан
Еш юрак
Тўлиб тошар
Лиммо-лим.

Бўлсам билимдон,
Зийрак,
Юлдузга
Етар қўлим.
Қитобимнинг
Ҳар сатрин
Ўқийман
Қўйиб меҳр.
Дунёда
Билимдан зўр
Қудратли
Қурол йўқдир.

СУРАСАМ
МАЙЛИМИ, ОЙИ?

—Шаҳримиз
бошланади

Қайдан, ойи?
Шуни сиздан
Сўраб билсам,
Дердим донм.
Аэропортдан,
Деб ўйлайман
Менинг ўзим.

—Жуда тўғри
Топибсан-ку,
Опоқ қизим.
Мовий ҳаво
Дарвозаси—
Ўлкамизнинг
Кўрки, гули.
Шу даргоҳдан
Бошланади
Уйимизга
Дўстлар йўли.

«БЕШ» ОЛДИМ

Вазифани тўғри ишлаб
Дарсдан беш баҳо

олдим.

Қаранг-а,
хурсандликдан
Қуёшга ўхшаб қолдим.

Нурларимдан сизга
ҳам


Ҳовуч-ҳовуч тутаман.
Қолганини дадамга,
Ойимларга элтаман.

УТЛОҚДА

Якшанба кун
Дадам билан
Ферма учун
Урдик пичан.
Урилганини
Қилиб бойлам,
Уюб қўйдик
Ғарам-ғарам.
Чарчаганда
Ёнбошладик,

Кейин яна
Иш бошладик.
—Тушликка,—деб
Ошпаз хола
Чорлаб қолди
Пешин палла.
Четга қўйдик
Паншахамиз,
Оҳ, зўр бўлди
Иштаҳамиз.





ПУФАК

Уч, пуфагим,
Баланд уч,
Мовий
Ҳаволарни қуч.
Етар, бас
Ҳўппайганинг,

Қоптоқдай
Дўппайганинг.
Ортиқ шишиб
Нетасан,
Пақ ёрилиб
Кетасан.






ОСМОН ПОДАЛАРИ

Оқ шерози
Қўзилар
Кезиб ўтлар
Осмонда.
Уларни
Шамол силар
Алвон уфқ
Томонда.

Подалар
Баҳор чоғи
Янғратиб
Қўнғироғин,
Қуёш билан
Ҳамнафас
Экарлар
Қўзиқорин.






ҚОР БЕКОРГА ТУШМАС ЕРГА

Қор ёғмоқда
Оппоқ-оппоқ.
Дов-дарахтлар
Қияр қалпоқ.
Қор ёғмоқда
Оппоқ-оппоқ.
Серсув бұлар
Жилға, ирмоқ,
Мўл бұлар сут,
Ёғу пишлоқ,
Қор ёғмоқда
Оппоқ-оппоқ...

СИНЧКОВ СИНГИЛ

Раъно чизди опасининг
Ажи-бужи расмини,
—Бу сиз,—дея ёнига
Ёзиб қўйди исмини.
Дилбар чўғдай қизариб
Ўз-ўзидан уялди.
Қўзғу олдига бориб
Сочини тараб олди.



ГУЛШАНОЙ ОРЗУ ҚИЛАР

—Файрат деган
Укачам бор,—
Деб севинар
Дўстим Ғани,
Борми, ойи,
Менинг укам?
Бор бўлса, у
Қайда, қани?

Олиб беринг
Менга ука,
Уни ўзим
Уйнатаман.
Қўлларидан
Ушлаб бориб
Боғчамизни
Қўрсатаман.

А М У

Тўлқинланиб,
Мавж уриб,
Қирғоқларни
Ўпириб,
Асов тойдай
Қўпириб,
Уйнаб оқасан,
Аму.
Сувингни
Даштга буриб,
ГЭСларга
Нур бериб,

Шоирдай
Хаёл суриб,
Куйлаб оқасан,
Аму.
Гўё учқур
Тулпорсан,
Экинга куч,
Мадорсан,
Олма, анжир,
Анорсан,
Роҳатижонсан,
Аму.

СУТЧИ АКАМ

Машина сигнал берди,
Чопдим кўчага томон.
Сутчи акамлар келди,
Чиқийг тезроқ, ойижон,
Дам ўтмасдан кўчада
Йиғилди талай одам.
Идишини тўлдириб

Сутни оларкан онам
Шоферга айтар раҳмат:
—Тани-жонинг соғ
бўлсин!
Сенга тилайман омад,
Йўлинг сутдай оқ бўлсин!

ГУЛ УЗМАЙМАН

Гул косаси
Гўё тўшак,
Кўк пояси
Нақ беланчак.
Беланчакда
Тиллақўнғиз,
Ухл~~ая~~пти
Сокин, ёлғиз.

Тиллақўнғиз
Оромини
Ҳеч бузмайман,
Гул узмайман,
Йўқ, кераги,
Узилмасин,
Бузилмасин
Қўнғизчанинг
Беланчаги.



КУК ТЕРДИК

Мен ва Сафо—	Садағаси
Икковлон,	Кетгаймиз,—
Бир дастурхон	Дея дуо
Кўк тердик,	Этдилар,
Бувимга	Кўкни кўзга
Элтиб бердик.	Суртдилар.
Хурсанд бўлдилар	Саралаб сўнг
Бувим.	Бирма-бир,
Дедилар:	Кўлга олдилар
—Балли, ўғлим,	Ғалвир.
Ахир юртга	Тиниқ суви
Ушбу кун	Чиққунча,
Кириб келди	Бизлар ўйнаб
Навбаҳор.	Келгунча,
Бу наврўзи	Ювибдилар
Оламга	Уч бора,
Етган бор,	Тугибдилар
Етмаган бор.	Чучвара.
Яна қанча	Бирга солдик
Кўкламга	Қозонга,
Эсон-омон	Дўстлар, келинг
Етгаймиз,	Меҳмонга.



Ғ И Ё С

Полларни артар Барно,
Сув ташиб берар Гулноз.
Кўрмагандек бепарво
Кўчага чиқар Ғиёс.

Барно дер:—
Қарашмайсан,
Қайтасан оқшом тушгач.
Ғиёс дер:—Сенга нима?
Келаман овқат пишгач.

О Л М А


Бир олмани
Бўлаккладим.
Биринчисин
Бувижоним,
Иккинчисин
Ойижоним,
Учинчисин
Дадажоним
Есинлар,
Менга раҳмат

Десинлар.
Қолганини,
Укажон,
Тенг кўрайлик
Икковлон.
Мен олмани
Нечта бўлак
Қилиб бўлдим.
Айт-чи, Тилак?

Ж И Л Ғ А Л А Р

Турналар
Учиб келди,
Гулбаҳор
Кўчиб келди.
Уриқлар қулоғига
Сирға-довучча илди.
Чўққидан
Пастга қараб,
Чугурчуқдай
Чулдираб,

Симоб каби
Милдираб
Жилғалар
Чоп-чопалоқ —
Уйнаб отди
Ўмбалоқ.
Дарёга қўшилдилар
Нур бўлиб
эшилдилар.



ҚУВҒИНДИ

Қовоқари
Мисли дайди
Экмай-тикмай
Текин ейди.
Доим бенаф

Учар виз-виз,
Келгинди у,
Шунинг учун
Қайга борса
Қувғинди у.

УРОҚБОЙНИНГ ХАТОСИ

1

Узоқ-узоқ томонда
Бахтли, гўзал замонда
Исми Уроқбой деган
Бир ўғлон яшар экан,
Уқиркан иккинчида,
Тенгдошлари ичида
Жанжалкаш, ўжар экан,
Тегмаганга тегаркан.
Китобларин титаркан,
Титиб итқитар экан.
Қоғозлар майда холдай
Чир айланиб шамолда
Боладай бўзлар экан
Ва шундай сўзлар экан:
—Езилмаган, оқ эдик,

Нурдай, ялтироқ эдик.
Ҳали ҳеч тутилмасдан,
Хатлар билан тўлмасдан
Тўғралиб майда-майда,
Тўзғидик кўча-куйда.

2

Бир кун улар кўплашиб,
«Бўл-бўл» ва «хўп-хўп»
лашиб,
Қуш каби қанотланиб,
Чавандоздай отланиб
Уроқни тутишибди
Ва изза этишибди:
—Бўлгунча китоб, дафтар,
Ахир, меҳнат сарфланар.

Гўзал баҳору ёзнинг
Ўрмончи, ёғочознинг
Манглай тери бор бунда,
Юрак қўри бор бунда.
Уроқбой-чи, ҳар қалай
Важлар топибди талай:
—Ёзсам томизар сиёҳ,
Асли перода туноҳ.
—Йўқ, йўқ,—дебди
 ўчирғич,—
Бу ёлгон сўзингдан кеч.
Аслида, йўқдир зеҳнинг,
Зеҳнингмас, йўқдир
 меҳринг.

Нафингдан кўп исрофинг,
Борми андек инсофинг?
Уроқбой жим тинглабди,
Хатосини англабди,
Одоб-ла қилиб таъзим,
Бериб чин ваъда сўзин
Бошин ерга эгибди,
Охири шундай дебди:
—Бу хато йўлдан қайтай,
Аълочиликка ўтай.
Барча ўқув қуролин
Асрай кўзим мисоли.
Оширайин зеҳнимни,
Қўшай унга меҳримни.



МУНДАРИЖА

Мақтаб	3	Аму	10
Сўрасам майлими, ойи?	4	Сутчи акам :	11
«Беш» олдим	5	Гул узмайман	11
Утлоқда	5	Кўк тердик	12
Пуфак	6	Ғиёс	13
Осмон подалари	7	Олма	13
Қор бекорга тушмас ерга	8	Жилғалар	13
Синчков сингил	9	Қувғинди	14
Гулшаной орзу қилар	10	Уроқбойнинг хатоси	14



Для детей младшего школьного возраста.

На узбекском языке

БИБИСОРА АТАЕВА.

МОЖНО СПРОШУ, МАМА?

Стихи

Редактор *Х. Давронов*

Рассом *Б. Шарипов*

Расмлар редактори *А. Ғуломов*

Техн. редактор *Л. Буркина.*

Корректор *М. Ортиқова*

ИБ № 1134

Босмахонага берилди 12. 06. 82 й. Босишга руҳсат этилди 14. 07. 1982 й. Формати 74×108¹/₃₂. № 1-босма қозоғга «Литературная» гарнитурда юқори босма усулида босилди. Босма листи 0,5. Шартли босма листи 0,7. Нашр листи 0,67. Тиражи 10000. Буюртма № 138. Шартнома № 42—81. Баҳоси 5 т.

Ўзбекистон ЛҚСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30 уё.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат Комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-босмахонаси. Янгийўл шаҳар, Самарқанд кўчаси, 44.